

МУНДАРИЖА

ТАСАВВУФ

Г.Н.Наврўзова. Хожа Юсуф Ҳамадоний инсоннинг борлиққа муносабатининг меъёри ҳақида..... 3

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК

Р.Б.Матибаева. Эффективные стратегии изучения иностранных языков: от пассивного чтения до активной речи 9

С.А.Саидов. Адаб илмига оид муҳим манба 13

F.Abzalova. Mahmud Zamaxshariyning islom ilmlariga oid asarlari tahlili 16

ДИНШУНОСЛИК

З.М.Исломов. Диншунослик тадқиқотларининг радикаллашув, экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги аҳамияти 21

М.Д.Холмирзаева. Научный подход в изучении особенности генеалогии святого семейства 26

МОЗИЙГА НАЗАР

Л.Асророва. Исмоил Сомоний макбараси тарихи 34

Қ.И.Сидикметов. Илк такфирчи фирқаларнинг келиб чиқиши ва салбий оқибатлари 38

J.Zafarzoda. VIII–IX asrlarda Turonda arab xalifaligi yer-mulkchilik tizimi: xarajiy, savofiy va iqto yerlari tahlili 43

K.Yusupova. Xitoy Xalq Respublikasining tashqi siyosati: tarixiy taraqqiyot, islohotlar va global yetakchilik strategiyasi 50



Муассислар:

Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси

Бош муҳаррир:

Музаффар КАМИЛОВ

Нашр учун масъул:

Иродахон ГАФУРОВА

Таҳрир хайъати:

Нурислом ТУХЛИЕВ
Иргаш ДАМИНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ
Матлюба КАХХАРОВА
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ
Иродахон ГАФУРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Содиқ ТОШБОЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разия МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:

Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iia.uz

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича
қўмитасининг 16.09.2025 йилдаги
02-07/5790-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ислom тафаккури» журналидан олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилётгани сабабли уни ножоиз жойларга ташламанг.

Журналдаги мақолаларда берилган маълумотларнинг тўғри ва оригиналлиги учун муаллифларнинг шахсан ўзи масъулдир.

Босишга 08.10.2025 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида
босилди. Шартли 32,6 б.т. Бюджетта:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси нашриёт-
матбаа бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

ИСЛОМШУНОСЛИК

I.B.Abdusattorov. “Maorif as-Sunan” asarida Termiziy tomonidan jarh va ta’dil mavzusida bildirilgan fikrlarining o’rganilishi..... 55

M.M.Ro‘zmetov. Hanafiy mazhabida yozilgan ilk asarlar 61

БУЮК СИЙМОЛАР

O‘.B.Palvanov, M.I.Mirzaraximova. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusufning ilmiy merosi tasnifi 66

Z.S.Jumabekova. Ilmga bag‘ishlangan hayot..... 71

ҚУРЪОНШУНОСЛИК. ҲАДИСШУНОСЛИК

A.Raymberdiyev. Imom Termiziy “Sunan” asari tafsir bobida “niso” surasi tafsiriga oid hadislar tahlili 74

Ф.Х.Худойназаров. Радикализмга қарши курашда Имом Термизий васатийлик тамойилининг аҳамияти 80

К.Х.Ҳусупов. XIX–XX asrlarda Hindistonda madaniy hayot va hadis ilmi rivoji..... 83

О.Ҳошимов. Шаббир Аҳмад Усманий ҳаёти ва илмий мероси 89

ФАЛСАФА ВА ПЕДАГОГИКА

M.T.Kadirova. Arab tili o‘qituvchisi kasbiy kompetentligini rivojlantirish: zamonaviy yondashuvlar va istiqbolli vazifalar 94

ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

A.A.Maxkamov. Web saytlardagi tahdidlarning darajalar bo‘yicha tasniflanishi 98

НАВРЎЗОВА Гулчехра Нигматовна
 Бухоро давлат техника университети
 Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият
 кафедраси профессори,
 фалсафа фанлари доктори
 email: premium.progress@mail.ru

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ИНСОННИНГ БОРЛИҚҚА МУНОСАБАТИНИНГ МЕЪЁРИ ҲАҚИДА

KHOJA YUSUF KHAMADANI ON MEASURES OF HUMAN ATTITUDE TO BEING

ХОДЖА ЮСУФ ХАМАДАНИ О МЕРАХ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ОТНОШЕНИЯ К БЫТИЕ

Аннотация: Мақолада Хожасон тасаввуфий таълимотининг асосчиси, Бухорои Шарифнинг Биринчи Пирини Абдулхалиқ Гиждувонийнинг устози Хожасон Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) асарларидан бири бўлган “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисоласида баён этилган инсоннинг ҳозирги кундаги аҳамияти асосланган. Асардаги бош гоя инсонни борлиққа муносабатининг эҳтиёжи асосида бўлиши, борлиқдаги неъматлардан фойдаланишида ўз ҳади, миқдори, ўлчов доираси ва даражасини билиши бутун борлиқни мувозанатини сақлашга асос бўла оlishи далилланган.

Калит сўзлар: Хожасон, тариқат, Юсуф Ҳамадоний, тасаввуф, инсон, борлиқ, қоинот, меъёр, миқдор, ҳад, эҳтиёж.

Abstract. This article substantiates the contemporary significance of the concept of the human being as described in the treatise «On the Subjugation of Existence to Man», a work by Khoja Yusuf Hamadani (1048-1141), who was the teacher of Abdulkhalik Gijduvani, the founder of the Khojagon Sufi teaching and the First Pir of Bukhara al-Sharif. The main idea of the work is that humanity's relationship with existence should be based on necessity. It is proven that for a person to know their limits, quantity, measure, and degree when using the bounties of existence can serve as a foundation for maintaining the balance of all existence.

Keywords: Khojagon, tariqa, Yusuf Hamadani, Sufism, human, existence, universe, norm, quantity, limit, necessity.

Аннотация. В статье обосновывается современная значимость концепции человека, изложенной в трактате «О подчинении бытия человеку» — одном из произведений Ходжи Юсуфа Хамадани (1048-1141), учителя Абдулхалика Гиждувани, основателя суфийского учения Ходжаган и первого Пира Благородной Бухары. Основная идея произведения заключается в том, что отношение человека к бытию должно основываться на принципе необходимости. Доказывается, что знание человеком своих пределов, меры, рамок и степени при использовании благ бытия может служить основой для сохранения баланса всего сущего.

Ключевые слова: Ходжаган, тариқат, Юсуф Хамадани, суфизм, человек, бытие, вселенная, мера, количество, предел, необходимость.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти томонидан 2025 йил 21 апрелда “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғриси”да фармон қабул қилинди [1]. Фармонда Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлигининг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази муассислигида Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ва қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди:

а) буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик тариқати алломаларининг юксак инсонпарварлик гояларини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодни бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш;

б) тасаввуф таълимоти тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, “Етти пир” алломалари ва азиз-авлиёларнинг бой илмий-маънавий меросини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш;

в) нақшбандийлик таълимотининг эзгу гояларини тадқиқ этиш учун илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган анжуман,

конференция, кўргазма, семинар-тренинг, танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

г) тасаввуф таълимотининг илмий асосланган гоёларини тарғиб қилиш, сохта тариқатчиликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Президент Фармонини амалга ошириш учун Хожагон-нақшбандия таълимоти намояндаларининг маънавий меросини ўрганиш заруратдир. Хожагон таълимотининг асосчиси Бухорои Шарифнинг Биринчи Пири Абдухлолик Ғиждувонийнинг устози Хожа Юсуф Ҳамадоний асарларини ўрганиш ва тарғиб этиш Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ёрдам беради.

Юсуф Ҳамадоний ҳақида тадқиқотлар олиб борилган [2,6,7,8]. Унинг асарлари борлиги аниқланиб, таржима этилган [9-12]. Юсуф Ҳамадоний рисолаларидан бири “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” деб номланган [11]. Бу асар араб тилида ёзилган бўлиб “Рисола фи ан-нал-кавна мусаххарун лил инсон” номи билан маълум. Таржимонлар Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан дастлабки таржима этган нусхаларида асарни номини “Инсон ва коинот ҳақида рисола” деб ёзганлар [9]. Кейинги 2018 йилда қайта тўлдириб нашр этилган асарларида эса “Коинот ва инсон ҳақида рисола” деб номлаганлар [12]. Биз манбани араб тилидаги таржимасига асосланиб, бу асарга “Борлиқни инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисола деб номланишини муносиб кўрдик. Чунки бу асар ҳажман кичик бўлсада борлиқнинг барча кўринишлари ҳақида маълумот беради. Асарни фақатгина коинот ва инсоннинг муносабати деб номлаш тор маънони англатади. Рисоладаги арабча матндаги кавн сўзи “кана”, яъни “бўлмоқ” феълидан ясалган бўлиб, ўзбек тилига айнан “борлиқ” бўлади.

Юсуф Ҳамадоний шу асарнинг таҳлили юқорида кўрсатилган икки муаммони ҳал этишда ҳам ёрдам беради. Юсуф Ҳамадонийнинг “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисоласида атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт муаммоларини ҳал этишнинг асоси бўлиш билан биргаликда Президент Фармонида кўрсатилган муаммоларни ҳал этишда ҳам ёрдам беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юсуф Ҳамадоний бу асарида инсон бутун мавжудотлар ичида энг улуғ, азиз ва муқаррам зот эканлигига ургу бериб, борлиқдаги неъматлар инсон учун яралганлигига эътиборни қаратади. Аллома рисоласининг бошида Қуръони каримнинг “Жосия” сурасини шарҳлаш асосида бутун борлиқ инсон учун яралганлиги ва унинг тасарруфига берилганлигини таъкидлайди. Муаллиф инсонга берилган бу неъматлардан меъёрида фойдаланиш зарурлигига ургу беради.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Борлиқнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисоласида инсоннинг бахтли, соғлом, фаровон яшаши учун ўз меъёрини билиши ва бутун борлиқ билан уйғун ҳаракатда бўлиши лозим, деган бунёдкор гоёни илгари сурган. Алломанинг фикрича, инсоннинг камолотга эришувида борлиқ билан инсон ўртасидаги муносабат меъёрда бўлиши жуда муҳим.

Юсуф Ҳамадоний ўз асарида инсонни табиат борлиги билан муносабатига махсус эътибор берган. Инсон ва борлиқнинг ўзаро алоқадорлик диалектикасининг 11 қирраси ёритилган бу рисоланинг биринчидан бешинчигача бўлган гоёлари инсоннинг табиат борлигига бўлган муносабатларига бағишланган. У инсон билан коинотнинг бир – бирига муҳтожлигини, лекин инсон ундан ўзининг эҳтиёжига нисбатан кўпроқ фойдаланса ўзини ҳам, коинотни ҳам, хатарга қолдиришини таъкидлаб, шундай ёзади: - “Дарҳақиқат, коинот ожиздир, чунки, у сизнинг хизматингизга топширилган, сиз ҳам ожиз ҳожатмандсиз. Фойдаю манфаатга, яроқли нарсаларга муҳтож бўлганингиз учун дунё сизларга бўйсундирилди. Коинотнинг қадр – қиммати ва устунлиги очик – ойдин маълум. Зеро, у сиз учун фойдалидир. Сизнинг коинотдаги устунлигингиз ҳам очик – ойдин равшан. Чунки, унинг фойдали ва завқли жиҳатларидан фойдаланишингиз мумкин. Шу боис коинот бир томондан ожиз бўлса, бир томондан Саид Хожадир, яъни устундир. Сиз ҳам бир жиҳатдан бошқарувчисиз, иккинчи жиҳатдан ожизу муҳтожсиз. Коинотнинг ожизлиги сизга муҳтож бўлгани сабаблидир. Устунлиги эса сенинг коинот ва унинг хизмати тўғрисида ҳаёт кечира олишингиздир” [11:107].

Коинот, оддий қилиб айтганда, инсон ва уни ўраб турувчи табиат, олам ва ундаги

мавжуд бўлган барча нарсалар, ходисалар, наботот ва ҳайвонот оламидир. Ундаги барча нарсалар бир – бири билан ҳамма вақт узвий равишда боғлиқдир. Юсуф Ҳамадоний инсон асосини тўрт унсурдан иборат эканлигини “Ҳаёт мезони” асарларида баён этган:

Юсуф Ҳамадоний инсон ҳаёти ва камолотини табиат борлиги билан узвий боғлайди. Демак, инсон бутун коинот билан чамбарчас боғлангандир. Бунини у қуйидаги асослар билан исбот этади:

1. “Коинот бир таомдир. Сен уни еб, ўзингда ҳазм қиласан. Коинот ичимлиқдир. Уни ичиб тугатасан. Коинот кийимдир. Сен уни кийиб эскиртирасан. Коинот маскан – уйдир. Сен унда яшайсан” [11:108]. Емоқ, ичмоқ, кийинмоқ, манзил-макон сифатида коинотдан фойдаланишда меъёрга эътибор бериш лозим. Бизни ўраб олган наботот, ҳайвонот олами, боғу роглар инсон хизматида. Лекин, инсон улардан меъёрида фойдаланишга одатланиши лозим ва бу унинг камолотига ёрдам беради.

2. “Коинот иссиқлик ва совуқликдир” [11:108]. Бундан ҳам ҳар бир инсон ўз эҳтиёжи ва миқдорига кўра фойдаланиши лозим. Коинотдаги йил фасллари, барча ўсимлик, ҳайвонот олами ўзига хос иссиқлик ва совуқлик табиатига эгадир. Инсон табиатдаги ушбу иссиқлик ва совуқликка муносабатни англаши ва ўзининг табиатига мос ҳолда фойдалана олиши тана ва руҳ камолоти учун муҳимдир.

Табиатдаги иссиқлик ва совуқликнинг уйғунлиги меъёрининг инсон омили таъсирида бузилиши натижасида планетамизга глобал иссиқлик хавф солмоқда. Олимларнинг фикрича, Ер юзидаги экологик ўзгаришлар оқибатида 2050 - йилга бориб атмосферадаги ўртача ҳарорат 1,5-4,5 даражага кўтарилиши кутилмоқда. Бу инсоннинг соғлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши аниқ. Шу боис инсонлар табиат мувозанатини сақлашга ҳаракат қилишлари зарурдир. Юсуф Ҳамадонийнинг мазкур гоёсидан нафақат иқлим бузилишининг олдини олишда, балки ҳар бир инсон кийиш, ейиш ва ичишда ҳам унга катъий амал қилиш борасида фойдаланиши мумкин. Иссиқ миқдор ёки совуқ миқдорли кишилар бу гоёга тўғри амал қилсалар соғлиқларини ҳимоя қила оладилар. Аксинча бўлса, турли хил аллергия касалликларга дуч келишлари мумкин.

3. “Коинот нур ва оловдир” [11:108]. Табиатда инсон учун қуёш нури каби фойдали, нефть, газ, кўмир каби энергия манбалари мавжуд. Инсоннинг бу манбалардан меъёридан ортик ўз манфатларини кўзлаб фойдаланиши натижасида турли хил экологик муаммолар вужудга келмоқда. Масалан, атмосферанинг юқори қисмида озон қатлами сийқалланиб, Антарктида ва Арктика устидаги туйнуқлар кенгайиб бормоқда. Озон қатламининг емирилиши натижасида барча жонли мавжудотларга ҳалокатли таъсир этадиган қуёш радиацияси нурлари учун йўл очилиб, экологик фалокатлар рўй бериши мумкин.

Нур ва оловдан ҳам киши тўғри фойдаланиши лозим. Агар биз кўз нури мисол қилиб олсак, ҳар бир инсон шу кўз нури ўзига ва халқига, керакли нарсаларга ишлатса, кераксиз, беҳуда, ноқўй нарсалардан олиб қочса, албатта унинг кўз нури камаймайди ва у эзгуликка хизмат қилади, Юсуф Ҳамадоний асаридаги “нур ва олов”ни инсонлар характерида ҳам ўхшатиб “Ҳаёт мезони” асарида ҳам нурни бир қалб нурига, яъни эзгуликка, оловни эса газабга ўхшатиб шундай изоҳлайди: “Фитратига газаб олови сачраган киши тўғрисида нима дейсан? Бу газабнинг таъсири ва ҳокимлиги унинг фитрати устидан голиб келади. Газаб шундай бир иллатки, на тадбиркор ақл ва на буюрувчи қалб унга бас кела олади. Бу иккови газаб олови таъсирида сўниб, бу ҳолдаги кишидан ақлга макбул бўлмаган ва кўнгилга ўтирмайдиган баъзи ишлар юзага келади. Зеро, бу ҳолат Иблис эгаллаб олган кишилар сифатидир. Баъзан уларда газаб оташи кучайиб, улар гўё йиртқич ҳайвонларга дўнадилар. Баъзан шахват оташи зўрайиб, уларни ҳайвонга айлантириб қўяди. Газаб ва шахвати галаба қозонган бу инсоннинг қалбида нур қолмайди, натижада ақлининг таъсир кучи ҳам йўқолади” [11:50]. Комил инсон нурий (нурли) инсондир. У газаб, нафрат, қина каби норий (нурсиз) одамга хос иллатлар устидан голиб бўлиб, нур ва олов қувватларидан тўғри фойдалана олади.

4. “Коинот сув ва тупроқдир” [11:108]. Инсон организми сув, тупроқ ва бошқа унсурлардан иборат, бунда ҳам ҳар бир инсон, хоҳ у олим бўлсин, хоҳ у бошқа касб соҳиби, сув ва тупроқдан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланса, инсон саломатлиги учун жуда фойдалидир.

Шунингдек, инсон ўз асли сув ва гил эканлигини билса камтарин, хоксор бўлади. Бир кун аслига қайтишини англаши унинг камолотига ёрдам беради.

Юсуф Ҳамадонийнинг бу гояларини унинг шогирдларидан бири Аҳмад Ясавий ҳам ўз хикматларида қуйидагича назмий баён этган:

Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
Инонмагил молингга, бир кун қўлдан
кетаро.

Ота-она, қариндош қаён кетти, фикр қил,
Тўрт оёглиг чўбин от бир кун сенга етаро.
Дунё учун гам ема, ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Аҳли аёл, қариндош – ҳеч ким бўлмайду
йўлдош,

Мардона бўл, гариб бош умринг елдек
ўтаро.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг
билмам неча йил,

Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро.

Сувни меъёрида ишлатмаслик оқибатида жуда кўп ривожланган давлатларда ичимлик сувининг танқислигидан қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45% км³ ҳажмида саноатдан чиққан ифлос оқава сувлар сув ҳавзалари, қўл, денгиз, океан сувини ўзининг заҳарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида ўтган асримизнинг 90 - йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

Тупроқни асраш инсоният учун муҳим муаммолар даражасига кўтарилмоқда. Дехқончилик маҳсулотларини етиштиришда турли хил сунъий ўғитлардан фойдаланиш ҳам тупроқ таркибига ўз таъсирини ўтказиши тайин. Бундай тупроқда етиштирилган маҳсулот асосида тайёрланган озиқ –овқатлар ва кийим-кечаклар инсон соғлиги учун салбий таъсири кўрсатади.

5. “Коинот ҳаво ва шамолдир” [11:108]. Булардан ҳожатинг доирасида ишлатсанг, сенга фойдалидир. Лекин ҳожатдан ортиб кетса, сени ўлдиради, маҳв этади, ҳалок қилади. Сен улардан тасарруфинг доирасида фойдаланиб, яшашинг учун ишлат, ҳожатингдан ортигини тарк этгин, дейди Юсуф Ҳамадоний.

Юсуф Ҳамадоний инсонни табиат борлигига ўз эҳтиёжи ва зарурати миқдорида муносабатда бўлишини ўғит бермоқда. Рисоланинг борлиққа бўлган инсон муносабатини ёритувчи олти ва еттинчи қирраси ижтимоий муносабатларга тааллуқлидир. Инсоннинг ижтимоий борлиққа муносабати ҳам эҳтиёжи миқдорида бўлганида фойдали ва манфаатли эканлиги ва аксинча меъёрдан ошса зарарли бўлиши таъкидланган.

6. “Борлиқ (ижтимоий) оила қуриш ва никоҳланишдир” [11:109]. Агар ҳар бир инсон буни тўғри тушуниб оиласига соғлом фикр билан қараса у инсон учун манфаатли, завқли ва лаззатли бўлади. Бироқ оиласига нисбатан носоғлом фикрларга ва номақбул ишларга ҳаддан ошса, аллома фикрича, ундай инсоннинг қалбига, баданига ва ақлига зиён этади. Инсон ўзига берилган бу имкониятдан наслини давом эттириш, фарзанд кўриш каби эзгулик учун фойдаланиши лозим.

Бутун борлиқ жуфт яралган ва шунинг учун кўпаяди. Инсон ҳам ўз наслини давом эттириш мақсадида оила қуради. Никоҳ муқаддасдир. Шунинг учун Юсуф Ҳамадоний оила қуриш масаласини никоҳ билан бирга таҳлил этган. Никоҳ асосида қурилган оила икки жинс учун ҳам манфаатлидир. Аммо никоҳсиз муносабатлар, зино, фаҳш ишлар турли касалликларга олиб келади. XXI аср вабоси бўлган спид касаллиги каби турли хил ўта хавfli касалликларнинг юзага келиши ана шундай муносабатларнинг натижасидир.

7. “Борлиқ (ижтимоий) инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидир” [11:109]. Бунда ҳам ҳар бир инсон гапириши, юриш-туриши ва ҳар бир қилаётган ишининг меъёрини билиши лозим. Агар бу ишлар меъёридан ошса у баданни эритиб, қалбни қуйдиради.

Инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидиш эзгу ният билан амалга оширилса ижобий натижаларга олиб келади. Аксинча, инсонлардан узоқлашиш, узлатда бўлиш, чилла ўтириш ёки халқ билан беҳуда вақтни ўтказиш тана ва рух учун зарарлидир.

Юсуф Ҳамадоний инсон борлигига махсус эътибор қаратади. Инсоннинг тана, рух, қалб, нафс ва ақдан таркиб топганлигини ҳисобга олиб қуйидаги тавсияларни беради:

8. “Борлиқ уйқу ва уйғоқликдир” [11:109]. Инсон борлиги – бадан ва рух камолоти учун

уйқу ва уйғоқлик жуда фойдалидир. Агар биз улардан эҳтиёжимиздан ортиқ фойдалансак баданимиз ва табиатимизга зарар етади. Уйқудан кам фойдаланиш эса киши жисмини хароб этади ва кундан кунга заифлаштиради.

Уйқу ва уйғоқлик масаласи баданнинг ривожини ва инсон табиатининг янгилиниши – тозаланиши учун зарурдир. Уйқу меъёрида бўлса инсон соглом, чاقқон ва тетик бўлади. Меъёрида ухламаслик тана ва рухни толиктиради. Сурункали уйқусизлик – касаллик хисобланади.

Уйғоқлик масаласи хушёрлик, огоҳлик билан уйғундир. Уйқу ва уйғоқликка нисбатан инсонларнинг табиати турличадир. Ҳар бир инсон ўз меъёрини билиши ва шунга муносиб ухлаб, уйғоқ бўлиши лозим.

9. “Борлик (инсон) ейиш, ичиш, эшитиш, хидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир” [11:109]. Агар ҳар бир инсон шулардан ҳам табиати кўтарадиган даражада фойдаланса у инсон учун фойдали ва лаззатлидир. Ҳар бир инсон шуларга эътиборли бўлса ҳаёти фаровон, сокин ва кераксиз ташвишлардан холи бўлади. Ҳар бир инсон ўз ҳолига ўзи шафкат қилиши керак. Бунинг учун инсон ўз борлигидаги нафси, бадани, табиатини ортиқча нарсалардан йироқ тутмоғи лозим бўлади. Бу эса натижада вужудининг бардавонлигини таъминлаган бўлади.

Юсуф Ҳамадоний руҳий ва маънавий борлик масалаларига ҳам эътибор қаратган. Инсоннинг ўз руҳий борлигини англаши ва унга меъёрдаги муносабати унинг камолотининг асосидир. Маънавий борликқа уйғун муносабат инсонни маънан бой ва иродали бўлишига ёрдам беради. Юсуф Ҳамадонийнинг куйидаги гоёлари инсоннинг руҳий ва маънавий борлигига муносабатини ёритади:

10. “Борлик (маънавий) тафаккур ва ботиний ишларда мушоҳада юритишдир” [11:110]. Инсонга бошқа мавжудотлардан фарқли ақл юритиш, тафаккур қилиш учун имкон берилган. Шунинг учун инсон ҳар бир қилаётган ишини тафаккур қилиши, яъни шу иш тўғрими ёки нотўғрилигини билиши, ҳар бир сўзини англаши, оқибати ижобий ёки салбий бўлишини фикрлаши лозим бўлади. Лекин бу теран тушунчалар инсон тузилишининг чегарасидан ошиб кетса у инсоннинг сезгирлигини, хушёрлигини махв

этади ва натижада ақлу идрокини барбод этади.

11. “Борлик (руҳий) ирода ва истакдир” [11:110]. Инсон ўз хизматида бўлган борликдаги ҳар бир нарсага ҳукмрон. Инсон ўзига берилган ирода ва истакни эзгуликка ишлатса яшаши, борлиги ва барқарорлигини сақлайди. Аксинча, у ўзининг ирода ва истакини ёвузликка ишлатса, албатта ўзига ҳам, коинотга ҳам, атрофидагиларига ҳам, зиён келтиради. Ундай кишилар ҳам руҳан, ҳам жисмонан соглом бўлолмайдилар. Бу ҳақда Юсуф Ҳамадоний шундай фикр беради: “Сенинг бу ҳолатда яшашинг, борлигингни давом эттиришинг ва барқарорлигингни сақлашинг, бокий ва давом этишинг учун фойдалисини олиб, зарарлисини тарк этсанг, натижада сен яшайсан. Шунда тассаруфинг остида бўлган нарсалар сендан ҳукмдор ва Парвардигорларига шикоят қилмайдилар” [11:111].

ХУЛОСА

Юсуф Ҳамадонийнинг “Борликнинг инсонга бўйсундирилганлиги ҳақида” рисоласи инсоннинг борликнинг барча шакллари билан меъёридаги муносабатни таъминлашга қаратилган.

Рисолада борликнинг табиат, ижтимоий, инсон, маънавий ва руҳий шаклларида инсоннинг муносабати тўғри таҳлил этган.

Инсоннинг борликка бўлган муносабатлари меъёрда, ҳадида, миқдори ва сифатига уйғун, эҳтиёжи даражасида бўлса бутун борлик ва инсон учун фойдали, манфаатли, завқли ва лаззатли бўлади.

Инсон ўзи учун яратилган борлик неъматларидан эҳтиёжидан ортиқ, миқдоридан ошиқ, меъёридан ўтиб, ҳаддини билмай фойдаланса борликнинг барча шаклларида зарар келтириш билан бирга ўзининг баданига, ақлига, фаҳмига, қалбига ҳам зиён етказди.

Инсон бутун борлик билан мувофиқ, мувозанатда яшаши учун унга нисбатан эҳтиёжи, ҳадди доирасида ҳаракат қилиши лозим.

Демак, ҳар бир инсон ўз кўз нуруни, куч-қудратини, қўллари, оёқлари ва бутун вужудини, ҳис-туйғуларини ақл-идрокини беҳуда нарсаларга ишлатмай фақат эзгуликка қаратса, ундан одам ҳам, олам ҳам, коинот ҳам миннатдор бўлиб, у камолотга етади.


Юсуф Ҳамадоний, бир томондан, инсон учун яралган борлиқни тафаккур этишга чақирса, иккинчи томондан, инсонни шу катта оламнинг кичик нусхаси эканлигини, борлиқдаги барча нарсалар унинг танасида мавжудлигини ва шунинг учун инсон борлиқни тафаккур этиб, ўзини англаши ва ўзини билиб Ҳақни таниши лозимлигини таъкидлайди.

Умумбашарий муаммолардан бири сифатида экологик муаммолар инсониятнинг бахтли ҳаёт кечирishiга хавф солаётган бир вақтда Юсуф Ҳамадонийнинг “Борлиқнинг инсонга бўйсиндирилганлиги ҳақида” рисоласида кўрсатилган инсон ва борлиқ ўртасидаги муносабатнинг 11 жиҳатини ўрганиш, мазмун - моҳиятини ёшлар онгига сингдириш аҳамиятлидир. Бу рисола ёшларнинг экологик онгининг юксалишига, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишда тарихий манба ва тарбиявий восита сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2025 йил 21 апрелдаги “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғриси”даги Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/7486257>.
2. Вяткин В.Л. Шейх Абу Юсуф Хамадани // Газета «Туркестанские ведомости». – Ташкент, 1899. – № 79.
3. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий меъроси. – Т.: Фан, 2021. 244 б.
4. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 184 б.
5. Наврўзова Г.Н. Нақшбанд рубоийлари фалсафаси. – Т.: Фан, 2025. 184 б.
6. Наврўзова Г.Н., Зойиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. 133 б.
7. Наврўзова Г.Н., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний – Етти Пирнинг табаррук устози. – Тошкент: Mashhur press, 2016. 148 б.
8. Сухарава О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары Москва: Наука, 1976. 365 с.
9. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 84-85.
10. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт). – Т.: Янги аср авлоди, 2003. 32 б.
11. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони). Одоби тариқат. Борлиқнинг инсонга бўйсиндирилганлиги ҳақида. Рисолалар. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ. 2019. – 136 б.
12. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт). Одоби тариқат. Коинот ва инсон ҳақида. – Т.: “Movarounnahr”, 2018. 224 б.

Обуна индекси – 1323

The background of the page is a photograph of a clear blue sky with several fluffy white clouds scattered across it. The clouds are most prominent in the lower half of the image.